

149 дарс

Ассалому алайкум қадрдон тингловчи дўстларим. Бутун борлиқни яратган Худо инсонлар Унинг йўлга қўйган солиҳлик йўлини тушуниб етишини, Унга итоат қилишини ва то абад У билан ҳақиқий тинчликка эришини истади. Биз сизлар билан яна Солиҳлик Йўли дарслари орқали учрашганимиздан жуда хурсандмиз.

Пайғамбарлар Битикларидан кўрдикки, Худо муқаддас ва солиҳ, У гуноҳни қабул қила оламиди. Ундан ташқари Унинг раҳмдиллиги ва кечиришга тайёрлигини ҳам кўрдик. Бу биз учун ажойиб хабар, чунки ўз гуноҳларимиз туфайли биз Худонинг раҳмига муҳтожмиз. Бизнинг айбларимиз, гуноҳларимиз бизни Худодан абадий ажратиб туради, фақатгина У бизга раҳм қилмаса! Бугун биз Раббимиз Исо одамларга айтиб берган иккита матал ҳақида гаплашамиз. Ана шу иккита маталдан Худонинг юраги қанчалик раҳмга тўла эканлигини ва гуноҳкорлар қандай қилиб ана шу раҳмни қабул қила олишларини билиб оламиз.

Биринчи маталда биз иккита одамни кўрамиз: биттаси Худонинг раҳмини қабул қилмаган, бошқаси эса қабул қилган. Биттаси Фарисейлар гуруҳига тегишли бўлиб, жуда ҳам ибодатга берилган, рўза тутган ва савоб ишлар қилиб қурбонликларни бериб турарди. У инсон кўзи олдида жуда ҳам ҳудожўй диндор одам эди. Бошқа киши эса солиқчи бўлиб, улар инсонлар кўзи олдида жуда гуноҳкор одамлар эди. Чунки қўплаб солиқчилар одамларни алдар эди.

Фарисей ва солиқчилар ҳикоясини эшитинг. Биз Лукага тегишли китобни ўқиямиз. Каломда шундай дейилган:

Ўзларининг солиҳлигига ишониб, бошқаларни менсимайдиган баъзи одамларга Исо қуйидаги масални айтиб берди:10 “Икки одам ибодат қилгани Маъбадга киришибди. Уларнинг бири фарзий, иккинчиси солиқчи экан.11 Фарзий ўрнидан туриб, шундай ибодат қилибди:

—Худойим, Ўзингга шукр! Чунки мен бошқаларга ўхшаб ўғри, жиноятчи, зинокор ёки манави солиқчидай эмасман.12 Мен ҳафтада икки марта рўза тутаман. Топганимнинг ўндан бирини ушр қилиб бераман.

13 Солиқчи бўлса узоқда туриб, ҳатто осмонга ҳам қарашга ботинолмай, кўкрагига урганича:

—Ё Худо, мен гуноҳкорга раҳм қил! —деб илтижо қиларди.

14 Сизга айтаман: фарзий эмас, мана шу одам оқланиб уйига қайтди. Зотан, ўзини ўзи юксалтирган одам камситилади, ўзини паст олган одам эса юксалтирилади.”

Исо бу матал орқали бизни нимага ўргатмоқчи? Худонинг оидида ўзини паст олган, ўз солиҳлигига ишонмаган одамни Худо кечиради, ўз солиҳлигига ишонган одамни У рад этади. Мана шу ҳақида Калом шундай дейди: „Худо мағрурларга қариш, аммо камтарларга иноятлидир“. (1Бут.5:5). Инсон қилганига яраша, Худо беради. Ёзни улуғлаётган одамларни Худо қабул қила оладими, ўйлаб кўринг: „Мен солиҳ одамман! Мен ибодат қиламан! Рўза тутаман! Ҳурбонлик бераман! Мачитга бориб тураман! Жамоатга доим қатнайман! Уни қиламан, буни қиламан ...!“? Ана шу ҳамма „Мен“лар Худога ½қадими? Менимча умуман ½қмайди!!! Инсон мағрурлигидан келиб чиққан ишлардан Худонинг юраги хурсанд бўлмайди.

Худо мағрур юракни рад қилади. Ёз кучи билан Худога маъқул келмоқчи бўлган, ¼обилни Одам Атонинг ўғлини эслайсизми? Худо унинг қурбонлигини қабул қилдими? Йўқ, Худо қабул қилмади. Дўстларим, Худо ўзгаргани йўқ. ҳозирги кунда ҳам Худо инсон ўз кучи билан эришмоқчи бўлган ҳаракатни ½қтирмайди, чунки бизнинг ҳаракатларимиз Унинг олдида мукамал эмас. Худо бизни гуноҳкор ҳолатимизни эсашимизни ҳоҳлайди, худди солиқчи киши каби, „-ё Худо, мен гуноҳкорга раҳм қил!“ Ана шу жуда ҳам юмшаган юрак Худони қувонтиради. Лекин Фарзий каби, „ё Худо! Мен бошқа одамлардай талончи, жиноятчи, зиногар ва ҳатто шу солиқчи сингари бўлмаганим учун Сенга шукр айтаман.“ деб ўзини бошқаларга таққослайдиганларни Худо рад қилади.

Фарзий унутиб қўйган нарсаси, қи½мат кунда Худо бизни бошқа одамлар билан таққосламайди. Унинг ўрнига У бизни Ёзининг муқаддас қонуни бўйича ҳукм қилади: „Кимки Илоҳий ¼онуннинг ҳамма моддаларига риоя қилса-ю, фақат бир нарсада гуноҳ қилса, у бутунлай гуноҳкор бўлиб қолади.“ (ёқуб.2:10). Яна Худо шундай деган: „Зино қилманг!“ яна „ёлғон гапирманг“. Сиз зино қилмаган бўлсангизда, лекин ¼лғон гапирган бўлсангиз, демак сиз Худонинг қонунини бузган

ҳисобланасиз. Энди сиз Жаннатга, Худонинг ҳузурига кира олмайсиз, чунки Калом шундай дейди: „*ҳеч бир нопок у ерга кира олмайди, ҳеч қачон кирмайди ҳам, ҳеч ким бирор уят иш қилган, ёки нопоклик қилган ҳеч ким*“. (Чик. 21:27). Шунинг учун Одам Ато авлодлари Худонинг раҳм-шафқатига муҳтожлар. Дўстларим, сиз маталдаги солиқчига ўхшайсизми, Худонинг раҳм-шафқатини қабул қилган? ёки ўз кучи билан солиқ бўлишга интилаётган Фарзий кабимизсиз?

Келинлар энди, Худонинг юраги раҳм шафқат ва севгига тўла эканлигини кўрсатадиган иккинчи матални ўқиб чиқайлик. Унда У худди болаларини чин дилдан севувчи Ота каби. Луқо баён этган Хушхабарнинг ўн бешинчи бобида шундай ёзилган:

Ҳамма солиқчилар ва гуноҳкорлар Исонинг таълимотини тинглаш учун келар эдилар.² Фарзийлар билан Таврот тафсирчилари: “Ана, У гуноҳкорларни қабул қилиб, улар билан бирга еб-ичяпти”, деб минғирлаб норози бўлдилар.³ Исо эса уларга қуйидаги масални айтиб берди:

“Бир одамнинг икки ўғли бор экан.¹² Уларнинг кичиги отасига:

— Ота, мол–мулкингиздан менга тегишли қисмини беринг, — дебди.

Отаси мол–мулкни икки ўғлига бўлиб берибди.

¹³ Орадан кўп ўтмай, кичик ўғил бор нарсасини йиғиштириб, узоқ бир мамлакатга кетибди. У ерда шалоқ яшаб, мол–дунёсини кўкка совирибди.¹⁴ Борини исроф қилгандан кейин, ўша мамлакатда оғир қаҳатчилик бошланибди. Йигит ҳам муҳтожликда қолибди.¹⁵ У бориб, ўша мамлакат фуқароларидан бирига ёлланибди. У одам эса йигитни ўз даласидаги чўчқаларни боқишга юборибди.¹⁶ Йигит чўчқалар ейдиган кўзоқлар билан қорнини тўйдиришга ҳам зор бўлибди, лекин унга шуни ҳам раво кўришмас экан.

¹⁷ Ниҳоят йигит ақлини йиғиб олиб, ўзига ўзи дебди:

— Отамнинг қанчадан–қанча ёлланма ишчиларининг нони ошиб–тошиб ётибди, мен эса бу ерда очликдан ўляпман.¹⁸ Энди отамнинг олдига бориб, унга шундай деб айтаман: “Ота, мен Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим.¹⁹ Энди сизнинг ўғлингиз деб аталишга лойиқ эмасман. Мени ёлланма ишчиларингиз қаторига қабул қилинг.”

²⁰ Йигит отаси олдига равона бўлибди. Йигит ҳали узоқда келар экан, отаси уни кўриб, ўғлига раҳми келибди. У югуриб бориб, ўғлини кучоқлаб, ўпибди.

²¹ Кейин ўғли отасига айтибди:

— Ота, мен Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз деб аталишга лойиқ эмасман.

²² Отаси эса хизматкорларига буюрибди:

— Тез бўлинглар, энг нафис тўн келтириб елкасига ёпинглар, кўлига узук тақинглар, оёқларига чориқ кийгизинглар.²³ Бўрдоки бузокни олиб чиқиб, сўйинглар. Еб–ичайлик, хурсандчилик қилайлик.²⁴ Чунки бу ўғлим мен учун ўлган эди, энди тирилди, йўқолган эди, энди топилди.

Шундай қилиб, хурсандчилик қила бошлабдилар.²⁵ Катта ўғил шу пайтда далада экан. Қайтаётиб уйга яқинлашганда, қулоғига мусиқа ва ўйин–кулги садолари эшитилибди.²⁶ Хизматкорлардан бирини чақириб:

— Нима гап? — деб сўрабди.

²⁷ — Укангиз қайтиб келдилар. Отангиз уни соғ–саломат кўргани учун бўрдоки бузокни сўйдилар, — деб жавоб берибди хизматкор.

²⁸ Шунда катта ўғилнинг жаҳли чиқибди, ичкарига киришдан бош тортибди. Отаси эса ташқарига чиқиб, ўғлига ўтиниб гапирибди.²⁹ Аммо у отасига шундай жавоб берибди:

— Менга қаранг! Шунча йилдан бери сизга қулдай ишлаб келаман. Бирорта гапингизни ерда қолдирмадим. Лекин дўстларим билан хурсандчилик қилишим учун сиз менга битта улоқча ҳам бермадингиз.³⁰ Аммо мол–мулкингизни фоҳишалар билан еб, йўқ қилган анави ўғлингиз қайтиб келганда, сиз бўрдоки бузокни сўйдирдингиз!

³¹ Отаси унга шундай жавоб берибди:

— Ўғлим! Сен доимо мен билан биргасан. Менинг бор нарсам сеники.³² Бугун эса байрам қилиб, хурсанд бўлишимиз керак. Ахир, бу уканг биз учун ўлган эди, энди тирилди, йўқолган эди, энди топилди.”

Худо бизни бу масал орқали нимага ўргатмоқчи? Унда биз учта одамни кўрдик: ота, ўғиллар.

Ота масалда Худони кўрсатяпти.

Кичик ўғил гуноҳидан тавба қилиб, Худога қайтаган гуноҳкорни кўрсатяпти.

Катта ўғил эса ўз ҳаракатлари билан Худога маъқул келмоқчи бўлаётган диндор одамларни кўрсатяпти.

Биринчи келинлар, узоқ мамлакатда ўзи хоҳлагандек гуноҳкор табиатга бўйсиниб яшаган кичик ўғил ҳақида ўйлаб кўрсак. У нима бўлди? Охир оқибатда у Худони ва одамни ҳафа қилганини тушунди. У ўз гуноҳлари учун азоб чекади ва „*Энди отамнинг олдига борай ва унга: Ота мен Худога ва сизга қариш гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғилнингиз аталшига лойиқ эмасман, Мени ёлланма ишчиларингиз қаторига қабул қилсангиз бас, дейман.*“ деб гуноҳларидан тавба қилганини кўрсатди. Шундан кейин у отаси уйи томон кетганини кўрамиз.

Ота нима қилди? У унинг бойлигини совурган ўғлидан жаҳли чиқдими? У уни қуллари орасига қўшдими? Йўқ!

У ҳали узоқда келаётганда, отаси ўғлини кўриб, кўнгли бўшаб кетибди. Юзурганича бориб, ўғлининг бўйнидан қучиб, юз-кўзларидан ўпибди. Ота хизматкорларига шундай буюрибди:

Тез бўлинг, энг нафис тўн келтириб елкасига ёпинг, қўлига узук тақинг, оёқларига чорик кийгизинглар. Бўрдоқини олиб чиқиб, сўйинглар, еб-ичайлик, хурсандчилик қилайлик. Чунки менинг бу ўғлим ўлган эди – тирилди, йўқолган эди, топилди.

Бундан нимани ўргансак бўлади? Бундан Худо худди ана шу отадек меҳрга тўла эканлигини кўрсак бўлади! Худо гуноҳкорларни севади ва уларга раҳм шафқат кўретишни хоҳлайди. Шунинг учун ҳар бир гуноҳкорни тавба қилишини қутмоқда ва ёзи айтган солиҳлик йўлидан юришларини истайди.

Катта ўғилнинг афсус қилишидан биз бир нарсани кўрамиз. Унда отаси каби қайғуриш юраги йўқ. Унинг ўрнига у ғазабланиди ва уйга киришни хоҳламади. Отасига шундай деди: „*Мен шунча йилдан бери сизга хизмат қиламан. Сира сизнинг буйруғингизга қариш чиққаним йўқ. Лекин дўстларим билан хурсандчилик қилишим учун сиз менга битта улоқ ҳам атамадингиз. Аммо мол-мулкингизни фоҳишаларга сарфлаб қайтган анави ўғлингизга бўрдоқи сўйибсиз!*“ Катта ўғил нима деганини эшитдингизми? У „*Мен сизга шунча йилдан бери қул каби ишлаб келяпман, деди. Нима бўлганда ҳам катта ўғил отасининг, ўғлини худди қулдек ишлашини хоҳламаслигини тушунмасди. Унинг истаги уни чин дилдан севадиган ва унинг хоҳишини хурсандчилик билан бажарадиган ўғилни кўриш эди.*

ҳозирги кунда кўплаб Одам Атонинг ўғиллари худди катта ўғилга ўхшайди. Улар ўзларини „Худонинг қуллар“ деб атайдилар. Лекин Худо бизларни қул каби бўлишимизни истамайди. У бизни ўғил ва қизлари бўлишимизни истайди. Исо Масихни

Нажокорим ва ¼утқарувчим деб қабул қилганлар ҳақида Калом шундай дейди: „Чунки сизлар яна қўрқувда яшаиш учун қуллик руҳини олмадингизлар, балки ўғиллик Руҳини олдингизлар. Бу Руҳдан руҳланиб, биз Худони азиз Ота деб чақирамиз!(Рим.8:15).

Дўстим, сиз ўзингизни қандай деб ўйлайсиз, Худонинг ўғлими ёки қулими? Биз юқорида ўқиган масалда ўзингизни қандай кўрасиз? Сиз кичик ўғилдекмисиз, ўз гуноҳини тан олган ва кечиримни қабул қилган? ёки отасига худди қулдек ишлаган катта ўғил кабимсиз? Худо сизни ўз хўжайинидан қўрқадиган қул каби бўлишингизни истамайди. Худонинг истаги чин дилдан отасини севадиган ўғил бўлишингизни ва Унинг иродасини бажаришдан қувонадиган бўлишингизни хоҳлайди. Худо сизни севади ва ўз раҳмини кўрсатишни хоҳлайди, шунинг учун у сизни тавба қилишингизни ва Унга қайтиб келишингизни кутмоқда. Бу ҳақда Ишаё пайғамбар шундай деган:

Шунинг учун Эгам кутмоқда,
Сизларга шафқат кўрсатай деб.
Мана У қўзғалмоқда,
Ўз меҳрини кўрсатай деб.
Ахир, Эгам адолатли Худодир.
Унга умид боғлаганлар бахтиёрдир.
(Ишаё 30:18)

Худо, қайғирувчи, Раҳмдил, сизни кутмоқда, худди масалда ота ўзининг кичик ўғлини кутгани каби. Худо сизни камтар юрак билан тавба қилишингизни истайди. Агар ана шундай камтар юрак билан Унга қайтиб келсангиз ва Уни изласангиз, ишонинг У сиз учун қайғуриб, раҳм шафқатини кўрсатади ва сиз буни гувоҳи бўласиз. Лекин мағрурлик билан Худонинг раҳмини рад қилган одам, Унинг ҳеч бир раҳм-шафқатсиз ҳукмига дуч келади!

Бизни тинглаганингиз учун раҳмат. Кейинги дастуримизда Худо хоҳласа Исо Масихқабрда тўрт кун бўлган одамни қандай қилиб тирилтиргани ҳақида гаплашамиз. Бугун ўрганганларимизни тушунишингизда Худо ёр бўлсин ва эсингиздан чиқарманг: „Худо мағрурларга қариши, аммо камтарларга иноятлидир“. (1Бут.5:5).

Азиз тингловчилар, бугунги дастуримизни шу ерда тамомлаймиз. Бизни эшитиб бораётганингиздан миннатдормиз. Сизга озгина бўлса ҳам руҳий озиқа бера олганимиздан хурсандмиз. Хайр, соғ-саломат бўлинг.

Агар сизда бирор савол, таклиф, истак бўлса бизларга мактуб ʼзинг. Биз уларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Яна сизда Муқаддас Китобга эга бўлиш истаги пайдо бўлса, унда ҳам бизга мактуб йўланг, биз сизга бекорга уни юборамиз.

Бизнинг манзилимиз: ʼозоғистон, Алмати шаҳри, Абонент қутиси 366. Индекс: 480091.

Яна эфирда учрашгунча хайр.